

3.5 Корхона хар ойнинг 25 санасигача Истеъмолчи билан биргаликда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олиш билан бир вақтда, ҳисоблагичларнинг тартиб рақамларини ҳамда амалда истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ҳисоботни расмийлаштиради (5-илова).

Ҳисобот асосида Корхона тегишли ҳисоб-китобни амалга оширади (6-илова) ва Истеъмолчи ҳисоб-фактурани олади.

Истеъмолчида турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объект мавжуд бўлган тақдирда ҳисоб-китоблар ҳар бир объект бўйича кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

Ҳисоб-китоб асосида амалга оширилган тўловларни ҳисобга олганда Истеъмолчининг қарздорлиги аниқланса, Корхона хизмат кўрсатувчи банк орқали тўловни амалга ошириши учун акцепт билан тўлов талабномаси беради.

3.6 Истеъмолчи томонидан Энергия (Қувват) истеъмоли ҳақида ҳисобот тақдим этилмаса ёки ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ёзиб олинмаса, Корхона томонидан ҳисоб-китоблар истеъмолнинг шартномавий миқдори бўйича, кейинчалик Истеъмолчи билан бирга аниқланган ҳақиқий истеъмол қилинган Энергия учун қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда, амалга оширилади. Бунда, Корхона хизмат кўрсатувчи банкка белгиланган тартибда тўлов талабномаси ва ҳисоб-фактурани тақдим этади.

3.7 Актив ва реактив Энергия (Қувват) учун ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарори билан тасдиқланган Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги Низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Электр энергия тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

Истеъмолчиларни тегишли тариф гуруҳига мансублиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 10 августда 955-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисида низомга мувофиқ белгиланади.

3.8 Тарифлар ўзгарганида Истеъмолчи етказиб берилаётган Энергия ва Қувват учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳақ тўлаши керак.

Таърифлар ўзгарганда "Корхона" бюджетдан маблағ олувчини хабардор қилиши ва томонлар янги таърифлар бўйича қўшимча келишув тузишлари лозим. Қўшимча келишув тегишли Ҳазначилик бўлимида ўрнатилганда тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, янги таърифлар бўйича ҳақ тўланади.

Бунда, Истеъмолчи тариф ошган вазиятда тўлов кунидан бошлаб кейинги 12 ойдан ошмаган муддатга олдиндан тўланган Энергия миқдorigа қўшимча ҳақ тўлашдан озод этилади.

3.9 Энергия (Қувват) учун Корхона ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар Истеъмолчи томонидан Корхонанинг ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.10 Агар Истеъмолчи Энергиянинг бир қисmini субистеъмолчига бир ставкали тариф бўйича етказиб берса, у Корхонага ушбу субистеъмолчиларнинг энергетика тизимининг энг катта юкласида қатнашувчи юкласи қийматига камайтирилган Қувват миқдори учун ҳақ тўлайди.

3.11 Реактив Энергия (Қувват)ни ўрнини тўлдириш учун чегирмалар (устамалар) битта ҳисобга олиш нуктаси бўйича ўртача ойлик Энергияси истеъмоли 15 миңг кВт.соатдан ортиқ бўлган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, электрлаштирилган (электр энергияси билан юрадиган) темир йўл, шаҳар транспорти, қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига нисбатан амалга оширилади.

3.12 Корхона ва Истеъмолчи ҳар ойда навбатдаги ҳисоб-китоб даври бошланиши ҳолатига ўзаро солиштирув далолатномасини тузади.

3.13 Энергия (Қувват) истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг Автоматлаштирилган тизимига уланган Истеъмолчиларга Энергия (Қувват) етказиб бериш олдиндан тўланган ҳақ доирасида амалга оширилади.

3.14 Истеъмолчининг айби билан Энергия ушбу шартномада талаб этилган ҳажмдан кам истеъмол қилинса, олдиндан тўланган маблағлар қайтарилмайди ва кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.15 Ҳисобга олиш прибори Истеъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар) ҳисобга олиш приборини ишга тушириш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки Энергия бошқача усулда ўғирланган ҳолларда, биргаликда икки томонлама далолатнома расмийлаштирилади ва шу асосда Корхона Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш ҳуқуқига эга. Далолатнома асосида ҳисобга олиш приборлари охириги марта ўзгартирилган ёки уларни улаш схемаси текширилган кундан бошлаб бутун ўтган, аммо даъво муддатидан кўп бўлмаган, давр учун электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати ва Истеъмолчининг

4-иловада кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича Энергия сарфи қайта ҳисоблаб чиқилиши шарт.

Корхона 3 иш куни мобайнида Истеъмолчига тўлаш учун қўшимча тўлов ҳужжати ёзиб беради, шунингдек хизмат кўрсатувчи банкка тўлов ҳужжатларини тақдим қилади.

Истеъмолчи қўшимча тўлов ҳужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани мажбурий тартибда қонун асосида ундириш чораларини кўради.

Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичини ёзиб олиш улаш схемасини текшириш деб ҳисобланмайди.

IV. ЭНЕРГИЯНИ ЧЕКЛАШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШНИ

ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

4.1 Истеъмолчи томонидан Корхона билан биргаликда, Энергияни чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ягона электр энергетикаси тизимида Энергия ва Қувват танқислиги ҳолларида ягона электр энергетикаси тизимининг барқарор параллел ишлашини таъминлаш, авариялар